Majburiy bepul nusxa

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 11 декабрь ШАНБА

№ 99 (12.319)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

### Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон-Британия Савдо ва саноат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, савдо-саноат, сармоя, фан-таълим, сайёҳлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Э. Ғаниев Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўплаб жабҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, енгил саноат, нефть-газ, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, фан-таълим, қишлоқ хўжалиги ва суғурта каби соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни кўплаб давлатлар қатори Британия ишбилармонларининг ҳам юртимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора ошираётир. 2011 йилнинг Президентимиз Ислом Каримов томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлмиш хусусий секторни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга, иқтисодиёт, таълим, фан ва маданият ҳамда ҳаво транспорти алоқаси, шунингдек, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка оид битимлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2009 йилдагига нисбатан қарийб 12 фоиз ошди. Юртимизда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 372 қўшма корхона, Буюк Британиядаги 109 фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар, асосан, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, суғурта ва консалтинг соҳаларига ихтисослашган.

Мажлисда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда ўз вақтида амалга оширилган инқирозга қарши чоралар боис Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширាётгани қайд этилди.

Анжуманда Буюк Британиянинг қатор йирик компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши нечоғлик катта эканидан далолатдир.

– Ўзбекистон ва Буюк Британия катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир, – деди Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши ҳамраиси Хартли Бут. – Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантириш ҳамда мамлакатларимиз ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу кенгаш мажлислари мунтазам ўтказиб келинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бўйича улкан имкониятларга эга мамлакатдир. Мазкур соҳада кўплаб янги лойиҳаларни амалга ошириш истагидамиз. Мен қадимий ва гўзал шаҳарларингиз – Бухоро ва Самарқандда кўп бор бўлганман. Ушбу анжуманда сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи қатор компанияларнинг иштирок этгани мазкур йўналишдаги ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратди.

Мажлисда Ўзбекистон ва Буюк Британиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида юқори технологик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Буюк Британия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ








## МУСОБАҚАЛАР ЭНДИ ШУ ЕРДА ЎТАДИ

**Паркент туманидаги Истиқбол қишлоғида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Уни қуришда кўп тармоқли "Раҳимжон" фермер хўжалиги ҳомийлик кўрсатди. Фермер ўз ҳисобидан 500 миллион сўм ажратди.**

– 325 гектар ерим бор, – дейди фермер Дилшод Абдуллаев. – Ғалла, мева ва узум етиштирамиз. Шу билан бирга чорвачиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Анча вақтдан бери ёшлар учун спорт мажмуасини қуришни мўлжаллаб юргандим. Мана, ниҳоят, Баркамол авлод йилида бу ниятим амалга ошди.

Мажмуада битта катта ва иккита кичик спорт зали бор. Энди ўғил ва қизлар футбол, баскетбол, бокс, кураш, каратэ билан бемалол шуғулланиш имкониятига эга бўлишди. Ёпиқ сув ҳавзаси, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналари кўзингизни қувнатади. Мураббийлар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган хоналарнинг замонавийлигини айтмайсизми?!

Очилиш маросимида мезбонларга мажмуанинг рамзий калити топширилди. Маросимга вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ходимлари 12 миллион сўмлик турли спорт анжомлари билан келишди. Бу эса, ёшлар кўнглини тоғдек кўтарди.

Дарвоқе, фермер ибратли ишларини яна давом эттирмоқчи. У мажмуанинг ёнида меҳмонхона, ошхона ҳамда ёзги футбол майдони қуришни бошлаб юборган. Натижада бу ерда вилоят миқиёсидаги нуфузли мусобақаларни ўтказиш имкони туғилади.

**Азамат АҲМЕДОВ.**

СУРАТЛАРДА: спорт мажмуасининг очилиш маросими.

**Муаллиф олган суратлар.**

## ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА ИШГА ТУШДИ

**Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг янгидан барпо этилган маслаҳат-ташхис поликлиникаси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, журналистлар иштирок этди.**

Фойдаланишга топширилган маслаҳат-ташхис поликлиникаси замонавий андозалар асосида барпо этилган, жаҳон тиббиётининг энг илғор диагностика технологиялари билан жиҳозланган янги бинода фаолият юрита бошлади. Бу тиббий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан қарийб икки баробарга оширади.

Янги поликлиникада замонавий андозалар асосидаги рўйхатга олиш хонаси, биокимё лабораторияси, рентген кабинети, анжуманлар зали, шифокорлар хонасида беморларга юксак савияда тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Биокимё лабораториясида саксон хилдан кўпроқ тиббий текширув ўтказиш имконияти мавжуд. Юрак фаолиятини кун давомида ёзиб олиш, яширин равишда кечаётган томир касалликларини аппарат ёрдамида аниқлаш, ультратовуш таҳлилини ўтказиш йўлга қўйилган. Бу ерда қалқонсимон без, жигар, буйрак, жинсий аъзоларни ҳам ультратовуш ва биокимёвий усулларда текшириш мумкин. Бу нафақат юрак, қон-томир тизимлари, балки бошқа касалликларни ҳам аниқлаш ва даволаш имконини беради.

**ЎзА.**

**Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қишлоқ хўжалик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш, ерларнинг унумдорлигини сақлаш орқали чорвачиликни ривожлантириш борасида кенг қамровли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлаётир.**

## ИЛҒОР ТАЖРИБА ОММАЛАШМОҚДА

Тошкент вилоятида чорвачиликда қорамолларни озиқлантириш ва деҳқон хўжалигида бошқарув тамойилларига бағишлаб ўтказилган амалий семинарда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида "Ўзбекистонда чорвачиликни барқарор ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, олимлар, фермерлар, маҳалла фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

2007-2011 йилларга мўлжалланган лойиҳа Тошкент вилоятида чорва молларини кўпайтириш, озиқлантириш ва парваришлашни ўз ичига олган илғор технология ва усулларни намойиш этиш орқали фермерлар билимини оширишга ҳамда сервис хизмати тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилаётир. Хусусан, Чиноз туманида "Юлдуз", "Абулқосим ўғиллари", "Хўжакент", Қуйичирчиқ туманида "Азия милк", "Жамол" каби инфратузилмаси бир-биридан фарқ қилувчи фермер хўжаликлари танлаб олинган. Мақсад – фермер хўжаликларида менежментни ривожлантириш, илғор инновацион технологияларни қўллаш, самарали тажрибани оммалаштиришдан иборат.

Жорий йилда лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирларда минг нафардан кўпроқ фермер иштирок этди.

Семинарда чорвачилик чиқитларини самарали қўллаш, озуқа экинлари етиштиришда тупроққа ишлов бериш, қорамолларни тўғри озиқлантириш борасида соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди. Лойиҳада иштирок этаётган Оққўрғон туманидаги "Карим Темирбоев" фермер хўжалигида эришилаётган ютуқлар таҳлил этилди.

**ЎзА.**

## РАҲБАР АЁЛНИНГ ЎРНИ БЎЛАК

**Вилоят ҳокимлигида «Раҳбар аёллар клуби»нинг навбатдаги йиғилиши, "Жамиятни ривожлантиришда раҳбар аёлнинг ўрни" мавзусидаги семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда нафақат раҳбар аёл, балки барча жабҳаларда фаол бўлган хотин-қизларнинг маънавияти, инсоний фазилатлари ҳақида сўз борди.**

Раҳбарликнинг ўзига хос нозик томонлари, холислик, самимийлик, энг муҳими, муомала маданияти энг зарур омил эканлиги таъкидланди.

"Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш", "Аёлларнинг интеллектуал салоҳияти", "Оила маънавияти, раҳбар аёл маънавияти", "Аёл ва ҳуқуқ", "Хотин-қизлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишда раҳбар аёлларнинг роли" мавзуларидаги қизиқарли маърузалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда вилоят «Раҳбар аёллар клуби»нинг раиси этиб Зангиота тумани ФҲДЁ бўлими мудири Юлдуз Роҳатова сайланди.

Семинар-тренингда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

## ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК КАФОЛАТЛАРИ

**Мана, 19 йилдирки, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қарор топтириш жараёни кечмоқда. Ривожланган давлатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам шаклланиб келаётган мулкдорлар синфи муҳим таркибий қисм, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таянчи ва суянчи ҳисобланади.**

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи конституциявий тартибда белгилаб қўйилди. Бу ҳуқуқ шахснинг ўзига қарашли мулкка ўз хоҳиши ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиш, унга ноқонуний дахл қилинишининг олдини олишни талаб этишдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мулкчилик масаласига тўхталар экан, Конституциямиз ва умуман, қонунчилигимизда хусусий мулкнинг устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилгани ва унинг кафолатлари таъминланганини алоҳида таъкидлаб, шундай деди: "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди".

Ҳақиқатан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирмай, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламай, ёрдам ва рағбат бермай, зарур имконият ва имтиёзлар яратмай туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлаш қийин.

Конституциямизнинг 36-моддасида мустаҳкамланган мулкдор бўлиш ҳуқуқи "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" (1948 йил), "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақида халқаро пакт" (1966 йил) ва бошқа халқаро ҳужжатларга тўлиқ мос келади.

(Давоми 2-бетда).

**"Мамлакатимиз босиб ўтган мустақил тараққиётини холисона баҳолар эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани – буларнинг барчаси Конституциямиз асосида йўлга қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси десак, муболаға бўлмайди" дея таъкидлади Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида.**

## ХАЛҚПАРВАРЛИКНИНГ ИЗЧИЛ ДАВОМИ

"Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётнинг муҳим омилидир" мавзуидаги бу маъруза нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун дунё ҳамжамияти томонидан кенг ўрганилиб, шарҳланмоқда.

Ўтаётган йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ва шу асосда қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши буюк келажагимиз асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Айниқса, келажагимизга бевосита боғлиқ бўлган оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг салмоқли натижалари таҳсинга сазовор. "Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий этилди.

Дастурни амалга оширишда таълим соҳасини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасаларини қуриш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Ёшларнинг спортга кенг жалб этилаётгани, уларнинг таълим ва спорт соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритаётгани танлаган йўлимизнинг тўғрилигидан далолат беради.

Энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб этилмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ҳукуматимиз сиёсатининг изчиллиги, тадрижий тараққиёт йўлимизнинг ўзига хос ифодасидир. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат. Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиз ижтимоий барқарорлигининг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Ўтган йилларда юртимизда тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратилди. Бунинг муҳим жиҳати – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринлари яратишнинг қулай омилига айланди. Иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи шу соҳада меҳнат қилаётгани фикримиз далилидир.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" бўйича қабул қилинадиган Давлат дастури бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимиз учун хизмат қилиши шубҳасиз.

**Худойберди НОРБОЕВ.**

2011 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси – 205.

